


Спартак клуби футболчиси Сенегалдаги масжид қурилиши учун 70 минг евро хайрия қилди



11:28 / 06.06.2023 1548

Москванинг «Спартак» футбол клуби ҳужумчиси Кейта Балде Сенегалдаги масжид қурилиши учун 70 минг евро хайрия қилди. Бу ҳақда «Матч ТВ» маҳаллий «Taggat» газетасига таяниб хабар берди.

Ушбу масжид футболчи туғилиб ўстган қишлоқда 26 май куни мўминлар учун ўз эшигини очди.

Футболчи бундан икки йил аввал ҳам масжид қурилиши учун катта миқдорда эҳсон қилган эди.